

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМий ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

МАТКАРИМОВА ДИЛФУЗА САБУРОВНА

**БАЪЗИ ГЕМОМРАГИК ДИАТЕЗЛАРНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ
ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib220 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Хамид Якубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахрамов Саиджалол Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бабаджанова Шоира Агзамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гильдиева Маргарита Сабировна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси (ФДБОТМ) «Академик И.П. Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети»

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02. рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109 Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Олмазор тумани, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: +99871 150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А. Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолиси орасида учрайдиган барча касалликлари ичида геморрагик диатезлар (ГД) кун сайин ортиб бормоқда. Ушбу касалликларнинг тарқалиши «...Европа минтақасидаги болалар орасида бир йилда 100000 нафар аҳолига 3-27, Шимолий Америка ва Осиё мамлакатларида - 21,1, Тайванда - 12,9, Буюк Британияда - 20,4, ҳамда Россияда - 13,5-25 ҳолатни ташкил қилади...»¹. ГД аҳолининг турли популяцияларида кенг тарқалганлиги, турли-туманлиги ва ўлимга олиб келувчи оғир геморрагик ва тромбогеморрагик асоратларнинг юқори даражада ривожланганлиги, полиморфлиги билан ажралиб туради. ГД патологиялари орасида, бирламчи гемостазнинг орттирилган бузилиши, иммун микротромбоваскулит (ИМТВ) ва иммун тромбоцитопенияга (ИТП) ўзига хос ўринга эга. «...ҳар иккала хасталик бир-бирига жуда ўхшаш клиник кўринишлари, яъни, микроциркулятор турдаги петехиал тери-геморрагик синдроми, шу билан бирга, касалликлар кўпинча болаликдан намоён бўлиб, кейинчалик сурункали ва оғир босқичга ўтади...»². ИМТВ билан хасталанган беморларда яллиғланиш олди цитокин генлари TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795), VEGFA (rs2010963), ангиотензин тизими гени AGTR1 (rs5186) ва END1 (rs5370), ИТП билан хасталанганларда яллиғланиш олди цитокин генлари TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795) аллел ва генотипик вариантлари, касалликларнинг клиник ва биокимёвий кўринишини яққол кечиши билан боғлиқлиги, иммун микротромбоваскулит (TNF- α (rs1800629) ва VEGFA (rs2010963)) ва иммун тромбоцитопения (TNF- α (rs1800629)) билан хасталанган беморларда яллиғланиш олди асосий цитокин генларининг фаоллигини таққосий таҳлилини баҳолаш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда геморрагик диатезларнинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу аҳолининг турли популяцияларида ИМТВ ва ИТПнинг клиник кечишти башоратлаш, шунингдек, оғирлик даражасини аниқловчи клиник предикторлари, биокимёвий хусусиятлари ва уларни клиник кўринишлар билан боғлиқлигини асослашдан иборат. ИМТВ билан хасталанган беморларда яллиғланиш олди цитокин генлари, ангиотензин ва эндотелиал тизими генлари полиморф вариантларининг аллел ва генотипларини тақсимланиш хусусиятларини ҳамда ИТП билан хасталанган беморларда яллиғланиш олди цитокин генларининг полиморф вариантларини хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш, шунингдек клиник-биокимёвий ва генетик кўринишлар орасида сезиларли ўзаро

¹ Mahévas M., Fain O., Ebbo M. et al. The temporary use of thrombopoietin-receptor agonists may induce a prolonged remission in adult chronic immune thrombocytopenia. Results of a French observational study // Br J Haematol 2014; 165: 865-9.

² López-Mejías R., Castañeda S., Genrea F., Remuzgo-Martínez S., Carmona D., Llorca J., Blanco R., Martín J., González-Gay M. A. Genetics of immunoglobulin-A vasculitis (Henoch-Schönlein purpura): An updated review//Autoimmunity Reviews Volume 17, Issue 3, March 2018, Pages 301-315.

муносабатларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, этиологияси аниқ бўлмаган турли ирсий ва қон тизими касалликларни самарали ташхислаш орқали уларнинг тарқалишини камайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ИМТВ ва ИТП касалликларини башоратлаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликларнинг асоратлари ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелидаги ПҚ–2866 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш ва тиббий хизматни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Баъзи геморрагик диатезларнинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of California, University of Texas, University of Virginia, University of Pittsburgh (АҚШ), University of São Paulo (Бразилия), Newcastle

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.goethe-university-frankfurt.de, www.utexas.edu, ubc.ca, www.berkeley.edu, www.uark.edu, www.virginia.edu, www.pitt.edu, www.ncl.ac.uk, www.uio.no/english, www.useoul.edu, www.pkuf.org, www.gematologiya.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

University (Буюк Британия), Goethe-University, Universitäts klinikum Regensburg (Германия), University of British Columbia (Канада), University of Oslo (Норвегия), Erasmus University; Radboud University (Нидерландия), University of Missouri, Columbia (Колумбия); Seoul National University (Корея), Guangzhou Hoffmann Institute of Immunology, Peking University (Хитой), University of Malaya, (Малайзия); Universitas Indonesia (Индонезия); Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Баъзи геморрагик диатезларнинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, ташхисланмаган геморрагик диатезлар асоратларидан тромбогеморрагиялар натижасида қон йўқотишнинг асосий сабаб ва патогенетик механизмлари исботланган (Goethe-University, Германия); иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопенияни ташхислашда стандарт ташхислаш усуллари билан биргаликда молекуляр-генетик текширувларидан фойдаланиш зарурлиги исботланган (University of Texas, АҚШ); геморрагик диатезларда қон кетишнинг инструментал ва биокимёвий тадқиқот натижасида сабаблари аниқланмаганда, касалликни ташхислашда фенотипик ва генетик профиллар орқали ташхислаш механизми ва тизими исботланган (Radboud University, Нидерландия); иммун микротромбоваскулит ривожланиши оқибатида эндотелиал дисфункциянинг ривожланиши тартиби асосланган (Universitas Indonesia, Индонезия); шунингдек касалликларнинг асоратлари оқибатида юзага келадиган ўлим даражаси исботланган (Gaziosmanpasa University, Туркия; University of British Columbia, Канада; University of California, АҚШ; Newcastle University, Буюк Британия); геморрагик диатезларнинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолашнинг самарадорлиги исботланган (Гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон).

Дунёда баъзи геморрагик диатезларнинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопениянинг клиник кечиш хусусиятларини асослаш; шунингдек касалликларда яллиғланиш олди цитокин генларининг полиморф вариантларини хусусиятларини асослаш; иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопениянинг ривожланиши мавжуд беморларда клиник-биокимёвий ва генотипик кўринишларнинг мумкин бўлган ўзаро боғлиқлигини асослашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ИМТВ ва ИТП шаклланиш механизмларини ирсий мойиллигини ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Garbe E., Andersohn F., Bronder E., et al. Drug-induced immune thrombocytopaenia: results from the Berlin Case-Control Surveillance Study, 2012; Juwon Kim. IL-1 β -31 and IL-1Ra polymorphisms associated with in-creased host susceptibility to immune thrombocytopenia, 2017;

Mahévas M., Fain O., Ebbo M., et al. The temporary use of thrombo-poietin-receptor agonists may induce a prolonged remission in adult chronic immune thrombocytopenia, 2014). Маълумки, ушбу кўп омилли касалликларнинг ривожланишида организмнинг индивидуал хусусиятлари ва шаклланиши асосий ўрин эгаллаши билан бирга, экзо- ва эндоген омилларининг таъсири, уларнинг таъсир интенсивлиги касалликнинг шаклланиш ҳавфини оширишда муҳим аҳамият касб этади (Marieke H. Heineke, Aranka V. Ballering, Agnès Jamin et al., 2017; Morgan D. S., Abdel-Raouf R., Afifi A. et al., 2017). Охирги йиллардаги тадқиқот натижалари ИМТВ ва ИТП шаклланишида молекуляр-генетик полиморфизмларининг муҳим аҳамияти борлигини кўрсатди (И.И. Зотова, 2018; Raquel López-Mejías et al., 2018).

ИМТВ ва ИТП ривожланиш механизмида генетик полиморфизмларининг ўрнини аниқлаш, замонавий гематологиянинг перспектив йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Маълумки, ушбу касалликлар патогенезида иммун жавоб ва ангиотензин тизими регулятор генлари аҳамиятли ўрин тутаяди, шунга асосланиб, бугунги кунда ИМТВ ва ИТП касалликларида иммун жавоб регуляция жараёнларида бевосита қатнашувчи турли хил цитокин генларининг жалб қилиниши тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд. Лекин, ИМТВ ва ИТП шаклланиш механизмини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари асосидаги мавжуд наشرлар бирон бир тўхтама келишга имкон бермайди, шунинг учун ушбу йўналишда тадқиқот олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Бизнинг Республикамизда инновацион стратегияларни кенгайтириш ва юқори технологияларни тадбиқ қилиш, тизимли тиббиёт асосини ишлаб чиқиш, ИМТВ ва ИТП шаклланиш механизмини, ташхисотнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда хасталикнинг ривожланиш ва оғир кечишини ривожланиш ҳавфини олдиндан баҳолаш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги. Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ МПП-2 «Инсон организми генетик полиморфизм ва бошқа детерминант патологик ҳолатни, шунингдек атроф муҳит омилларини ноҳўя таъсири аниқлаш асосида, касаллик профилактикаси ва дифференциал терапия усулларини ва даволашнинг янги турларини ишлаб чиқиш» (2015-2018 йй) асосида бажарилган.

Тадқиқот мақсади иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопениянинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятларини ўрганиш асосида, касалликларнинг ривожланиши ва клиник кечишини баҳоратлаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопения билан хасталанган беморларда клиник ва биокимёвий кўрсаткичларни баҳолаш асосида, касалликларнинг оғирлик даражасини белгиловчи предикторларини аниқлаш;

иммун микротромбоваскулит билан хасталанган беморларда яллиғланиш

олди цитокин TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795), VEGFA (rs2010963), ангиотензин тизими AGTR1 (rs5186) ва END1 (rs5370) генлари полиморф вариантларининг аллел ва генотипларини тақсимланиш хусусиятларини баҳолаш;

иммун тромбоцитопения билан хасталанган беморларда яллиғланиш олди цитокин TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795) генлари полиморф вариантларининг аллел ва генотипларини тақсимланиш хусусиятларини баҳолаш;

ушбу номзод-генларнинг полиморф маркерлари билан иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопения ривожланиш хавфи боғлиқлиги мавжудлигини баҳолаш;

иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопения клиник кечишининг оғирлик даражасини ўрганилаётган ген полиморфизмлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

клиник, биокимёвий ва генотипик кўринишларининг таҳлили асосида муҳим хавф омилларини аниқлаш, шунингдек иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопениянинг ривожланиши ва кечишини башорат қилиш мезонларини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида 2012-2018 йиллар давомида Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида даволанган ва назорат остига олинган 240 нафар беморлар олинган бўлиб, улардан ИМТВ (n=105) ва ИТП (n=135) ташхисли, қариндош бўлмаган беморлар гуруҳи ташкил қилган. Назорат гуруҳига 81 нафар шартли соғлом қариндош бўлмаган шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор ва шартли соғлом инсонларнинг клиник текширув материаллари, периферик қонда гемограмма кўрсаткичлари бўйича тромбоцитлар миқдори, веноз қонда: гемостаз тизими кўрсаткичлари (қоннинг ивиш вақти (ҚИВ), қоннинг кетиш вақти (ҚКВ), тромбоцитлар агрегацияси (ТА), қисман фаоллашган тромбопластин вақти (ҚФТВ), протробин индекси (ПТИ), тромбин вақти (ТВ), фибриноген, қон лахта ретракцияси, эрувчан фибрин-мономер комплекслар (ЭФМК), антитромбин III (АТ-III), Виллебранд омили (ВО)); шунингдек циркуляцияда юрувчи иммун комплекслар (ЦЮИК); ПЗРда TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795), VEGFA (rs2010963), AGTR1 (rs5186) ва END1 (rs5370) генлар полиморф вариантларининг детекцияси материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иммун микротромбоваскулитда (абдоминал ва нефротик синдромларнинг оғир кўриниши, ошқозон-ичак трактидан қон кетиши, касалликнинг йилига 2 мартадан кўпроқ такрорланиши), шунингдек иммун тромбоцитопенияда (оғир қон кетишлар, касалликнинг йилига 2 мартадан кўпроқ такрорланиши) касалликларнинг оғир кечиш предикторлари аниқланган, касалликларнинг клиник ремиссияси даврида кузатиладиган

гемостаз тизимидаги ўзгаришлар ва иммун комплекслар миқдорининг ошиши жараённинг такрорланиши ва сурункали турига ўтиш предикторлари сифатида кўриш мумкинлиги асосланган;

молекуляр-генетик таъхислашда иммун микротромбоваскулит билан хасталанган беморларда TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795), VEGFA (rs2010963), AGTR1 (rs5186), END1 (rs5370) ва иммун тромбоцитопения билан касалланган беморларда эса TNF-a (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795) генлар полиморф локусларининг аллел ва генотиплар тақсимланиши хусусиятлари исботланган;

иммун микротромбоваскулитнинг ривожланишида TNF-a (rs1800629) ва VEGFA (rs2010963) генларнинг, шунингдек иммун тромбоцитопения шаклланишида TNF-a (rs1800629) генининг генотипик вариантларини патогенетик роли белгиланган, ҳамда касалликнинг предиктив таъхисотидаги аҳамияти асосланган;

иммун микротромбоваскулит билан хасталанган беморларда касалликнинг оғирлигига боғлиқ ҳолда VEGFA (rs2010963) генининг мутаносиб G/G генотипи учрашида сезиларли фарқлари, ҳамда генетик маркер касалликнинг оғир даражада кечишини ривожланишининг олдиндан башорат қилишдаги аҳамияти исботланган;

клиник-биокимёвий ва генотипик маълумотлар таҳлили асосида, иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопениянинг ривожланиш ҳавфи ва клиник кечишини башоратлаш мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

стандарт текширув усуллари билан бир қаторда таъхислаш тадбирлар мажмуасига иммун микротромбоваскулитни олдиндан аниқлаш учун TNF-a (rs1800629) ва VEGFA (rs2010963) генларнинг, шунингдек иммун тромбоцитопения учун TNF-a (rs1800629) генини полиморф вариантларини молекуляр-генетик тадқиқи тақлиф этилган;

иммун микротромбоваскулитни оғир кечиши генетик маркери сифатида VEGFA (rs2010963) генининг полиморфизмини қўллаш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопениянинг ривожланиш ҳавфи, кечиш характерини башорат қилиш мезонлари такомиллаштирилган, бу эса касалликларнинг оғир кечиши билан ҳавфи паст ва юқори бўлган беморларнинг гуруҳларини аниқлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, молекуляр-генетик усуллар асосида ИМТВ ва ИТПнинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятлари статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти ИМТВ ва ИТП билан хасталанган беморларда касалликларнинг клиник кечишини ва биокимёвий бузилишларининг хусусиятларини, ИМТВда томир-тромбоцитар гемостазнинг фаоллашуви ва ИТПда эса унинг фаоллашувини пасайиши, яъни қон ивишидаги бузилишлар, ИМТВ ва ИТП ривожланишида, ҳамда кечишида молекуляр-генетик омилларни ўрнини баҳолаш, ИМТВ билан хасталанган беморларда яллиғланиш олди цитокин генлари TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795), VEGFA (rs2010963), ангиотензин тизими гени AGTR1 (rs5186) ва END1 (rs5370)нинг аллел ва генотипик вариантларини тақсимланиш таҳлили, ИТП ривожланиш механизмида яллиғланиш олди цитокин TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795) генлар полиморфизмининг нохуш генотипларини учраш даражасини баҳолаш орқали касаллик ривожланиш хавфи молекуляр-генетик маркерлари рўйхати тузилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ИМТВ ва ИТПнинг ривожланиш хавфини башорат қилишда генетик омилнинг ўрни, шунингдек, ИМТВда клиник кечишини генотипик хусусиятлар билан боғлиқлиги, ИМТВ (TNF- α (rs1800629) ва VEGFA (rs2010963)) ва ИТП (TNF- α (rs1800629)) билан хасталанган беморларда яллиғланишга қарши цитокин генларини ўрганиш зарурияти уларнинг касаллик патогенезида иштирок этганлиги сабабли асосланган ва исботланган. ИМТВ ва ИТПнинг ривожланиш ва оғир кечиш хавфини башорат қилиш учун молекуляр-генетик технологиялардан фойдаланган ҳолда, беморларни комплекс текшириш асосида мезонлар такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Баъзи геморрагик диатезларнинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«TNF α (rs1800629) ва VEGFA (rs2010963) цитокин генларининг полиморф вариантларининг детекция усулини такомиллаштириш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/178-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома TNF α (rs1800629) ва VEGFA (rs2010963) полиморфизмининг нохуш генотипларини тутишидаги ўрнини, ИМТВ ва ИТПнинг кечишида оғирлик даражасининг шаклланишида ушбу генларнинг аҳамиятини баҳолаш имконини берган;

«Молекуляр-генетик тадқиқот усуллари асосида иммун микротромбоваскулитнинг оғир кечишини дифференциал профилактика усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/178-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома ИМТВнинг оғир кечишини молекуляр-генетик усуллари асосида дифференциал профилактик усули аниқлаш имконини берган;

«Иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопениянинг кадамма кадам алгоритм ташхисоти» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/178-сон маълумотномаси).

Мазкур тавсиянома ИМТВ ва ИТПнинг қадамма қадам баҳолаш алгоритмини асослаш имконини берган;

баъзи геморрагик диатезларнинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш соҳаси амалиётига, жумладан, Республика шошилинич тез тиббий ёрдам марказининг Сирдарё филиали ва Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 ноябрдаги 8н-з/184-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга жорий қилиниши ИМТВ ва ИТПни предиктив ташхислаш сифатини яхшилашга, касалликларни ривожланиш хавфини ва оғир кечишини башорат қилиш, шунингдек, ушбу касалликларга чалинган беморларнинг яшаш сифатини яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопениянинг шаклланиш механизмлари, кечиши ва башоратлашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида ИМТВ ва ИТП этиологияси ва патогенези ҳақида замонавий қарашлар, шунингдек ушбу патологияларнинг ривожланиши ва кечишида ген полиморфизмлари ўрни аниқ келтирилган. Шу билан бирга, ИМТВ ва ИТП шаклланиш механизмида генетик полиморфизмларнинг иштирокини ўрганиш бўйича мавжуд бўлган тадқиқотлар бир бирига қарама-қарши характерда эканлиги кўрсатилган. Ўзбек миллатига мансуб шахсларда ушбу касалликларни шаклланишига олиб

келувчи асосий номзод-генларни топиш ва молекуляр-генетик механизмларини баҳолаш тизими таҳлил қилинган. Мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбозитопениянинг ривожланиши ва кечишини башоратлаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материаллини ташкил қилган беморларнинг клиник характеристикаси таърифланган ва ушбу ишнинг олиб борилишида қўлланилган клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик усуллар ҳақида маълумотлар аниқ келтирилган.

Диссертациянинг қўйилган вазифаларига мос равишда, Гематология ва қон куйиш илмий текшириш институти клиникасида даволанган ва назоратда бўлган 240 нафар (асосий гуруҳ, эркаклар - 30,8%, аёллар - 69%) бемор, булардан ИМТВ (105) ва ИТП (135) билан хасталанган беморларда комплекс текширувлар ўтказилган. Беморлар мурожаатига қараб тасодифий усулда танлаб олинган. ИМТВ билан хасталанган беморлар ёши 16 дан 80 ёшгача (ўртача $42,1 \pm 3,9$ ёш) бўлган, ИТП билан хасталанган беморлар ёши эса 16 дан 81 ёшгача (ўртача $39,4 \pm 3,5$ ёш) бўлган оралиқни ташкил этган. Назорат гуруҳини 81 нафар ўзбек миллатига мансуб қариндош бўлмаган, анамнезида гемостаз патологияси кузатилмаган, асосий гуруҳ беморлар билан ёши ва жинси мос келадиган шартли соғлом шахслар ташкил қилган. Олинган натижалар таҳлили учун беморлар нозология, касаллик босқичи ва клиник кўрсаткичларга мувофиқ: жинси, ташхис қўйилгандаги ёши, касалликларнинг шакли, касалликнинг кечиши ва давомийлиги асосида гуруҳ ва гуруҳчаларга бўлинган.

Тадқиқот усуллари клиник, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик усулларида иборат бўлган.

Клиник усуллар шикоятлар, анамнестик маълумотларни йиғиш ва беморларни объектив кўригини ўз ичига олган.

Гемостаз тизими ҳолатига баҳо бериш, Фонио бўйича фазо-контраст усули ёрдамида периферик қонда гемограмма кўрсаткичлари бўйича тромбоцитлар миқдорини санаш; веноз қонда томир-тромбоцитлар тизимни кўрсаткичларини баҳолаш: аденозиндифосфат (АДФ 1,0 и 0,5 ммоль концентрацияда) билан индуцирланган тромбоцитлар агрегациясини (ТА), Виллебранд омили (ВО), В.П. Балуда ва ҳаммуаллифлар (1980) бўйича қон лахтаси ретракциясини аниқлаш; коагуляцион гемостаз тизимида (қисман фаоллашган тромбопластин вақти (ҚФТВ), протромбин индекси (ПТИ), тромбин вақти (ТВ), эрувчан фибрин-мономер комплекслар (ЭФМК), фибриноген миқдорини аниқлаш, шунингдек қоннинг антикоагулянт тизимида: антитромбин III (АТ III), Г.Ф. Еремин ва А.Г. Архипов (1982) бўйича XII –а боғлиқ фибринолиз фаоллашувини аниқлаш, НПО «РЕНАМ» (Россия) реактивларини қўллаш йўли орқали амалга оширилди.

Циркуляцияда юрувчи иммун комплекслар преципитация усули асосида, 4% ва 6% концентрацияли полиэтиленгликол 6000 (ПЭГ-6000) эритмаларини қўллаган ҳолда аниқланди.

ИМТВ ва ИТП беморларда, шунингдек шартли соғлом шахсларда TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795), VEGFA (rs2010963), AGTR1 (rs5186) ва END1 (rs5370) генларининг полиморф вариантларини молекуляр-генетик текшируви учун материал сифатида веноз қон ишлатилди. Генотиплаш полимераз занжир реакцияси (ПЗР) ёрдамида, кейинчалик ПЗР махсулотлари бўлган полимераз узун рестрикция фрагментлар (ПУРФ) таҳлили амалга оширилган. ДНК геноми 0,5 М этилендиаминтетраацетатда (ЭДТА) стабилизацияланган веноз қон лейкоцитларининг ядросидан ажратиб олиниб, кейинчалик унинг концентрацияси спектрофотометрда ўлчаб олинган. Амплификацияланган фрагментлар ўзига хослиги ва миқдори агароза гелида электрофорез усули ёрдамида текширилган. Амплификация ва рестрикция махсулотлари 6,0-10,0% да 2,0-3,0% агароз ёки полиакриламид гелида ажратилган. Агароз гелида амплификация махсулотлари детекцияси учун горизонтал электрофорез учун «Хеликон» («ДНК-Технология») камераси ишлатилган. Бемор генотиби, ПЗР-ПУРФ таҳлили ўтказилган натижасидаги гелда аниқланган ДНК фрагментлари тўпламига мослиги асосида аниқланган.

TNF- α (rs1800629), IL-1 β (rs1143627), IL-6 (rs1800795), VEGFA (rs2010963), AGTR1 (rs5186) ва END1 (rs5370) генларининг полиморфизмини детекция қилишда нуклеотидларнинг кетма кетлиги «Oligo v. 6. 31» (Molecular Biology Insights Inc., АКШ) дастурини қўллаш йўли билан танлаб олинган ва НПФ «Литех» (Россия) томонидан синтезланган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

ПЗРни олиб бориш учун қўлланилган олигонуклеотидлар праймерларининг рўйхати

| Генлар | Полиморфизм | Олигопраймерлар таркиби |
|---------------|-------------|--|
| TNF- α | rs1800629 | F: 5' AATAGGTTTTGAGGGCCATG-3' R: 5' ATCTGGAGGAAGCGGTAGTG-3' |
| IL-1 β | rs1143634 | F: 5' CTCAGGTOTCCTCGAAGAAATCAAA-3' R: 5' GCT TTT TTG CTG TGA GTC CCG-3' |
| IL-6 | rs1800795 | F: GACCTAAGCTGCACTTTTC R: GGTGAGACTCTAATATTGAGAC |
| VEGFA | rs2010963 | F: GCCAATTCAAGCCCAGTCCTTTCTGTGTTTA TTCCCATCTCTCCCAAAT R: CTGATACACTGTCTGCAAACATATC |
| AGTR1 | rs5186 | F: 5'-CACTTCACTACCAAATGAGC R: A TTAGCTACTTTTCAGAATTG-3' |
| END1 | rs5370 | F: 5' TGCGGTGTAGGGAACGGCCTGAG 3 R: 5' CTCCTGGAGGTCACGGCTCAAGG 3' |

Олинган натижалар статистик ишлови «OpenEpi 2009, Version 2.3» дастури ёрдамида персонал компьютерда амалга оширилган. Текширилган гуруҳлар орасида генотипларнинг учраш даражасидаги фарқни аниқлаш учун Фишер аниқ мезонлари қўлланилган. Текширилган гуруҳларда генотипларни тарқалиш мослиги Харди-Вайнберг қонунлик тарқалиш « χ^2 » мезонлари

ёрдамида баҳоланган. Гуруҳлар орасидаги статистик аҳамиятли фарқ $p < 0,05$ муҳимлилик белгиси билан кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Иммун микротромбоваскулит ва иммун тромбоцитопениянинг клиник-биокимёвий хусусиятларини**» деб номланган учинчи бобида ИМТВ ва ИТП клиник ва биокимёвий кўринишини ўрганганлик натижалари кўрсатилган. Белгиланганки, ИМТВ ва ИТПда ҳам касалланишнинг юқори даражаси ёш категорияли шахсларда (50,5% ва 54,4%), энг кам учраши эса, қари ёшдаги шахсларга тўғри келган (2,0% ва 1,5%). Шу билан бирга, ИМТВ ва ИТП билан беморлар мурожаати даражаси йилнинг мавсумига боғлиқлиги ҳам аниқланган, яъни энг кўп мурожаат кишки (26,7% и 45,2%) ва баҳорги (37,0% и 34,1%) мавсумларга, энг кам мурожаат эса, ёзги (13,3% и 14,1%) мавсумга тўғри келган. Бундан ташқари, ИМТВ ва ИТП ривожланишида асосий ролни бактериял ва вирусли инфекция чақириши, касалликнинг қайталаниши эса, беморларда сурункали инфекция ўчоқларининг хуружи билан асосланган (ИМТВда 81,9%; ИТПда 74,8% ҳолларда), бу иммунокомплекс жараёнларни қўлловчи манбалар бўлиб, касаллик ривожланишида патогенетик йўлни баён этувчи адабиётлар маълумотларини тўлиқ тасдиқлайди (Min Yan, Zhan Wang, Na Niu, Jianxia Zhao and Jian Peng, 2015).

ИМТВ ва ИТП билан хасталанган беморларнинг клиник текширувида кўп ҳолларда касалликнинг ўртача оғирлик даражаси аниқланди. ИМТВда I оғирлик даражаси 22,9% (24), II ва III оғирлик даражаси 53,3% (56) ва 23,8% (25) беморларда мос равишда қайд этилган. ИТП билан оғирган беморларда касалликнинг оғирлик даражаси геморрагик синдромнинг зўрарайиши бўйича баҳоланди (БЖССТ, 2012): I даража - 17,0% (23), II - 56,3% (76) ва III оғирлик даражаси 26,7% (36) беморларда аниқланган.

ИМТВ да асосий клиник синдромларни учраш даражаси куйидагича аниқланган: тери синдроми – 100%, бўғим синдроми – 86,7%, абдоминал – 36,2%, буйрак синдроми – 4,8%; ИТП да тери синдроми – 100,0%, қон кетишлар – 83,0%. Шунингдек айтиб ўтиш керакки, ИМТВ ва ИТП нинг энг кўп учровчи клиник кўриниши, петехиал геморрагик тошма сифатида намоён бўлувчи тери геморрагик синдроми (100,0% и 100,0%) ташкил қилди, бу нафақат ташхислашда, балки ўзаро гуруҳлар ўртаси дифференциал ташхислашга, шу қаторда ушбу касалликларга ўхшаш бошқа хасталиклар билан ҳам таққослашда қийинчилик туғдиради. Бунга исбот қилиб, ИМТВ билан хасталанганларнинг 39%, ИТП билан хасталанганларнинг 28% бошқа ташхис билан даволанганлигини айтиш мумкин. Ўз навбатида бу, касалларни кеч ва жуда оғир асоратли ҳолда мурожаатига олиб келган.

Ушбу маълумотлар қаторида ИМТВ (абдоминал ва нефротик синдромларнинг оғир кўриниши, ошқозон-ичак трактидан қон кетиши, касалликнинг йилига 2 мартадан кўпроқ такрорланиши), шунингдек ИТПда (оғир қон кетишлар, касалликнинг йилига 2 мартадан кўпроқ такрорланиши) оғир кечишининг башорат клиник предикторлари белгиланган.

ИМТВ ва ИТПда гемостаз тизими текширув натижаларининг таққосий таҳлили касаллик турига қараб, ушбу тизимда кўрсаткичлар турли

йўналишга қараб ўзгарганлигини аниқлашга имкон берган. Назорат гуруҳга нисбатан, ИМТВ билан хасталанган беморларда гиперкоагуляция, яъни ҚИВ - 1,6 (196,4±9,4 с. қарши 311,81±2,18 с., $p<0,05$) баравар қисқариши, тромбоцитлар агрегациясининг 1,06 (АДФ 1,0 ммол концентрациясида 60,3±2,0 с. қарши 56,79±0,97 с., $p>0,05$) баравар фаоллашиши, ЭФМК - 1,75 (6,76±0,2 г/л қарши 3,85±0,05 г/л, $p<0,05$) баравар ошиши, АТ III - 1,1 (95,7±0,7% қарши 106±0,97%, $p<0,05$) баравар фаоллигини пасайиши ва ВОнинг - 1,14 (114,9±2,8% қарши 100,4±1,4%, $p<0,05$) баравар ошганлиги билан намоён бўлди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Назорат ва ИМТВ билан хасталанган беморларнинг асосий гуруҳида гемостаз тизимини кўрсаткичлари, (M±m)

| Кўрсаткичлар | Назорат гуруҳи, (n=73) | Асосий гуруҳ, (n=105) | t | P |
|--|------------------------|-----------------------|-------|--------|
| ҚИВ, сония | 311,81±2,18 | 196,4±9,4 | 11,96 | <0,001 |
| ҚКВ, сония | 96,71±1,75 | 99,2±1,4 | 1,11 | >0,05 |
| ТА (АДФ 1 ммоль, %) | 56,79±0,97 | 60,3±2,0 | 1,58 | >0,05 |
| ТА (АДФ 0,5 ммоль, %) | 28,95±0,53 | 28,9±0,87 | 0,05 | >0,05 |
| ҚАТВ, сония | 30,68±0,28 | 31,3±0,4 | 1,27 | >0,05 |
| ПТИ, % | 90,93±1,15 | 99,5±0,86 | 5,97 | <0,001 |
| ТВ, дақиқа | 8,86±0,13 | 12,8±0,13 | 21,43 | <0,001 |
| Фибриноген, г/л | 3,2±0,05 | 4,05±0,076 | 9,34 | <0,001 |
| ХIIа- боғлиқ фибринолиз фаоллашувини, дақиқа | 6,42±0,13 | 8,9±0,25 | 8,80 | <0,001 |
| АТ III, % | 106±0,97 | 95,7±0,7 | 8,61 | <0,001 |
| ЭФМК, г/л | 3,85±0,05 | 6,76±0,2 | 14,12 | <0,001 |
| ВО, % | 100,4±1,4 | 114,9±2,8 | 4,63 | <0,001 |

Назорат гуруҳига нисбатан, ИТП билан касалланган беморларда эса, қон ивишининг фаоллашувини пасайиши билан, яъни ҚКВ - 1,8 (179,0±9,7 с. қарши 96,97±1,59 с., $p<0,05$) баравар узайиши, тромбоцитлар сонининг - 2,0 (100,1±7,34×10⁹/л қарши 220,3±2,84×10⁹/л, $p<0,05$) баравар камайиши, тромбоцитлар агрегацияси - 2,1 (АДФ 1 ммол концентрациясида 26,6±2,1% қарши 57,13±0,96%, $p<0,05$) ва 2,25 (АДФ 0,5 ммол концентрациясида 12,9±1,08% қарши 29,07±0,52%, $p<0,05$) баравар ва қон лахтаси ретракциясининг - 1,7 (0,17±0,01 қарши 0,3±0,009, $p<0,05$) бараварга пасайиши билан намоён бўлган (3-жадвалга қаранг).

Назорат ва ИТП билан хасталанган беморларнинг асосий гуруҳида гемостаз тизимини кўрсаткичлари, (M±m)

| Кўрсаткичлар | Назорат гуруҳи, (n=81) | Асосий гуруҳ, (n=135) | t | P |
|--|-------------------------------|------------------------------|----------|----------|
| ҚИВ, сония | 310,33±2,05 | 320,4±1,9 | 14,34 | <0,001 |
| ҚКВ, сония | 96,97±1,59 | 179,0±9,7 | 8,35 | <0,001 |
| Тромбоцитлар, 10 ⁹ /л | 220,3±2,84 | 100,1±7,34 | 15,27 | <0,001 |
| ТА (АДФ 1 ммоль, %) | 57,13±0,96 | 26,6±2,1 | 13,22 | <0,001 |
| АТ (АДФ 0,5 ммоль, %) | 29,07±0,52 | 12,9±1,08 | 13,49 | <0,001 |
| АЧТВ, сония | 30,5±0,28 | 30,4±0,3 | 0,24 | >0,05 |
| ПТИ, % | 90,83±1,07 | 93,1±0,82 | 1,68 | >0,05 |
| ТВ, сония | 8,9±0,12 | 10,06±0,15 | 6,04 | <0,001 |
| Фибриноген, г/л | 4,1±0,53 | 3,78±0,32 | 0,52 | >0,05 |
| ХIIа- боғлиқ фибринолиз фаоллашувини, дақиқа | 6,44±0,15 | 8,1±0,2 | 6,64 | <0,001 |
| Ретракция | 0,3±0,009 | 0,17±0,01 | 9,66 | <0,001 |

Шу билан бирга, назорат гуруҳга нисбатан ИМТВ билан хасталанган беморлар асосий гуруҳида йирик ЦЮИК концентрациясининг 2 баравардан кўпроқ (25,4±1,9 ш.б. қарши 11,5±0,3 ш.б., p<0,05) ва майда 1,6 баравар (47,3±2,5 ш.б. қарши 28,8±0,6 ш.б., p<0,05), шунингдек ИТП билан хасталанган беморлар асосий гуруҳида йирик ЦЮИК концентрациясининг 2 баравар (25,4±1,9 ш.б. қарши 11,6±0,3 ш.б., p<0,05) ва майда 1,7 баравар (47,3±2,5 ш.б. қарши 29,1±0,5 ш.б., p<0,05) ошиши билан кечган, бу эса ИМТВ ва ИТПда авж олиш босқичи ва оғир кечишини аниқлашда зарур башорат маркёри бўлиб ҳисобланган.

ИМТВ ва ИТП кечиш оғирлик даражаси клиник ва кимёвий бузилишларнинг яққоллиги орасидаги белгиланган боғлиқлик, ушбу касалликлар кечишидаги башоратни аниқлаб берувчи клиник-лаборатор предикторларни аниқлашга имкон берган. Ўз навбатида, клиник-биокимёвий текширувлардан олинган маълумотлар, ИМТВ ва ИТП кечишини ташхислашда ва башоратлашда уларнинг аҳамиятли ва зарурлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Иммун микротромбоваскулитда генларнинг аллел полиморфизмлари хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида ўтказилган тадқиқотнинг натижалари кўрсатилган.

ИМТВ билан хасталанган беморларда (n=75) ва шартли соғлом шахслардан ташкил топган назорат гуруҳида (n=73) юқорида айтиб ўтилган генларнинг полиморф вариантларини аниқлашда уларнинг нохуш генотип ва минор аллелларни тақсимланишидаги генетик хусусиятлари аниқланган. ИМТВ билан хасталанган беморлар ҳамда назорат гуруҳида генларнинг генотиплари кузатилиш (Hobs) тақсимланиш сони Харди-Вайнберг қонуниятига мос холда, кутилаётган тақсимотга (Hexp) га мос бўлган ($p>0.05$).

ИМТВ билан хасталанган беморлар асосий гуруҳида TNF- α (rs1800629) генининг кўпроқ А минор аллели (14.0% қарши 7.5%) ва G/A нохуш гетерозиготали генотип (28.0% қарши 15.1%) кузатилган, шу билан бирга, аҳамиятли характердаги фарқ фақатгина касаллик авж олган босқичдаги беморларда яққол кўринди (4-жавдалга қаранг).

4-жадвал

TNF- α (rs1800629) гени полиморфизмининг аллел ва генотипларини назорат ва ИМТВ билан хасталанган беморлар гуруҳларидаги учраш даражаси


| Гурух | n | Аллелларнинг учраш даражаси | | | | Генотипларнинг тақсимланиш даражаси | | | | | |
|------------------------|----|-----------------------------|------|----|------|-------------------------------------|------|-----|------|-----|---|
| | | G | | A | | G/G | | G/A | | A/A | |
| | | n | % | n | % | n | % | n | % | n | % |
| Асосий гурух, улардан: | 75 | 129 | 86,0 | 21 | 14,0 | 54 | 72,0 | 21 | 28,0 | 0 | 0 |
| «А» - гурухча | 41 | 68 | 82,9 | 14 | 17,1 | 27 | 65,9 | 14 | 34,1 | 0 | 0 |
| «Б» - гурухча | 34 | 61 | 89,7 | 7 | 10,3 | 27 | 79,4 | 7 | 20,6 | 0 | 0 |
| Назорат гурух | 73 | 135 | 92,5 | 11 | 7,5 | 62 | 84,9 | 11 | 15,1 | 0 | 0 |

Назорат гуруҳига нисбатан, ИМТВ билан беморларнинг «А» кичик гуруҳида TNF- α (rs1800629) полиморф гени А аллелини ташиш улуши 2,53 ($\chi^2=4.9$; $p=0.03$; OR=2.53; 95%CI: 1.089-5.86) ва гетерозиготали G/A генотипини 2,9 баравар ($\chi^2=5.9$; $p=0.02$; OR=2.9; 95%CI: 1.18-7.26) юқори бўлганлиги аниқланган. Шу билан бирга, ИМТВ билан беморларнинг «Б» гуруҳидаги натижаларни таҳлил қилишда А аллелни ва G/A генотипни ташувчиларининг улуши назорат гуруҳидаги улушга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ бўлмаган 1,4 ($\chi^2<3.85$; $p>0.05$; OR=1.4; 95%CI: 0.52-3.81) ва 1,5 ($\chi^2<3.85$; $p>0.05$; OR=1.5; 95%CI: 0.51-4.18) бараварга ошганлиги аниқланган (1- расмга қаранг).

Шундай қилиб, олинган натижалар TNF- α (rs1800629) генининг ИМТВ ривожланишида ва ушбу касалликда яллиғланиш олди жараёнларини ушлаб туришда асосий рол ўйнашидан далолат беради.

Асосий ИМТВ ва назорат гуруҳлари ўртасида IL1 β (rs1143627) ва IL6 (rs1800795) генлари полиморфизмлари минор аллел (IL1 β (rs1143627) учун С аллель: 16.0% қарши 15.7%; $\chi^2=0.0034$; $p=0.95$ ва IL6 (rs1800795) учун G

аллель: 14.7% қарши 19.9%; $\chi^2=1.4$; $p=0.2$) ва генотипларнинг (IL1 β (rs1143627) учун T/C генотип: 32.0% қарши 28.8%; $\chi^2=1.17$; $p=0.56$ ва IL6 (rs1800795) учун C/G генотип: 29.3% қарши 37.0%; $\chi^2=2.14$; $p=0.34$) тақсимланишида сезиларли фарқлар аниқланмади. Бу ўз навбатида ИМТВ ривожланиш ҳавфи билан ўзаро боғлиқликнинг йўқлигидан далолат берди.



1-Расм. TNF- α (rs1800629) ген полиморфизми нохуш А аллел ва G/A генотиби ўрганилган гуруҳларда тақсимланиш даражаси

VEGFA (rs2010963) гени полиморфизми хусусиятларини ўрганишда ИМТВ билан хасталанган беморларда G минор аллелини ва C/G ва G/G генотипларини учраши бўйича, назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли фарқ борлиги аниқланган. Бунда, асосий гуруҳда G аллелининг учраши 31,3% ($\chi^2=13.14$; $p=0.0003$)ни ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 13,7% ни ташкил қилди. Мутант C/G ва G/G генотиплар тутиш улуши назорат гуруҳига нисбатан 2 маротаба кўпроқ ошганлигини кўрсатди (49.3% қарши 21.9% ва 6.7% қарши 2.7%; $\chi^2=15.08$; $p=0.0005$). Шу билан бирга ИМТВ билан хасталанган беморларнинг «А» ва «Б» кичик гуруҳларида ҳам ўхшаш ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, «А» кичик гуруҳда назорат гуруҳи билан таққослаганда нохуш G аллелнинг даражаси 2,9 баравар ($\chi^2=10.57$; $p=0.0012$; OR = 2.9; 95%CI: 1.51-5.67), «Б» кичик гуруҳда эса 2,8 баравар ($\chi^2=8.845$; $p=0.003$; OR=2.815; 95%CI: 1.401-5.657) юқорилиги аниқланган. Аниқланган аҳамиятли фарқлар VEGFA (rs2010963) гени G аллелнинг ИМТВ ривожланиш хавфи билан боғлиқлигини кўрсатади (5-жадвалга қаранг).

VEGFA (rs2010963) гени полиморфизмининг аллел ва генотипларини назорат ва ИМТВ беморлар гуруҳларидаги учраш даражаси

| Гуруҳ | n | Аллелларнинг учраш даражаси | | | | Генотипларнинг тақсимланиш даражаси | | | | | |
|------------------------|----|-----------------------------|------|----|------|-------------------------------------|------|-----|------|-----|-----|
| | | C | | G | | C/C | | C/G | | G/G | |
| | | n | % | n | % | n | % | n | % | n | % |
| Асосий гуруҳ, улардан: | 75 | 103 | 68,7 | 47 | 31,3 | 33 | 44,0 | 37 | 49,3 | 5 | 6,7 |
| «А» - гуруҳча | 41 | 56 | 68,3 | 26 | 31,7 | 17 | 41,4 | 22 | 53,7 | 2 | 4,9 |
| «Б» - гуруҳча | 34 | 47 | 69,1 | 21 | 30,9 | 16 | 47,1 | 15 | 44,1 | 3 | 8,8 |
| Назорат гуруҳ | 73 | 126 | 86,3 | 20 | 13,7 | 55 | 75,3 | 16 | 21,9 | 2 | 2,7 |

